Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 3 ноябрь, сешанба № 216 (21.314).

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ИСТАЙДИЛАР

АНҚАРА: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Анқара (ЎзА мухбири Фахриддин Низом). Тўй— туркий халқлар тарихида миллатнинг ўзлигини, қиёфасини белгиловчи табаррук маросим. Тўйда ёру биродарлар дийдор кўришишади, ҳол-аҳвол сўрашади, қолаверса келгуси режалари хусусида ўзаро маслаҳатлашиб олишади. Шу боис тўйлар қанча кўп бўлса, кишилар ўртасидаги иттифоқ, иноқлик орта боради, орқадошлик ришталари чийралаверади.



Қардош Туркиянинг миллий байрами — Республика кунининг 69 йиллик тантаналарида бу йил биринчи марта собиқ совет империяси истибдодидан қутулиб, мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон республикаларининг давлат раҳбарлари ҳам иштирок этишди.

Маълумки, Биринчи жаҳон урушида Германиянинг иттифоқчиси бўлган Туркия султонлиги ҳам мағлубиятга учрайди ва у Антанта давлатлари, Греция ва Италия томонидан бўлиб олинади. Бу Туркиянинг мустақил давлат сифатида йўқ қилиниши дегани эди. Буни яхши англаган Мустафо Камол бошлиқ ватанпарварлар ватан ва миллат озодлиги учун курашга отланади ҳамда Туркияни чет эл босқинчиларидан озод қилади. Шундай қилиб, 1923 йил октябрининг 29-куни Туркия Республика деб эълон қилинади.

Бу байрам туркий халқлар учун шуниси билан қадрлики, СССР мавжуд йилларда бизга хориж деб ўргатилган Туркия — турк элларининг сўнгги қисми ўз озодлигини қайтариб олди ва бу бошқа мазлум туркий халқларга ҳуррият учун кураш йўлида намуна бўлиб қолди. Бугунги байрам тантаналарининг аҳамияти ҳам ана шунда.

М. К. Отатурк номли маданий марказ майдонидаги байрам шодиёналарида усмонлилар салтанати сипоҳилари, лашкарбошилари кийимидаги кишилардан то бугунги миллат мустақиллигининг, эл фаровонлигининг аскафили бўлмиш зобиту аскарлар ва улар бошқараётган ҳарбий техникагача намойиш этилди. Байрам тантаналарига келган ҳар бир қардошнинг чеҳрасида миллий ғурур, туркона ифтихор барқ уриб турганини кўрасиз. Тарихини қадрлай билган миллат улуғдир, ҳамиша ғолибдир.

Байрам тантаналарининг Мустафо Камол Отатурк номидаги маданий марказ майдонида ўтказилишининг боиси буюк ватанпарварга турк халқининг эҳтироми белгисидир. Анқара шаҳрининг осмонўпар биноларига биринчи президентнинг суратлари осиб қўйилган. Гўё унинг ўйчан нигоҳлари бугунги туркийларнинг байрам баҳона дийдорлашувидан ифтиҳор туяётгандай. Туркия Президенти Турғут Ўзол Республика куни муносабати билан Анқаранинг Чанкоя саройида улуғ меҳмонлар шарафига зиёфат берар экан, шундай деди: «Бир замонлар Мустафо Камол Отатурк озар турклари мустақиллиги бизни беҳад қувонтиради, деган сўзларини биз бугун бутун қардошларимиз учун такрорламоқ истаймиз: қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман ва озар қардошларимизнинг муродларига ноил бўлмоқлари, ҳур ва мустақил бўлиб яшамоқлари бизни беҳад қувонтиради, деймиз».

Байрам тантаналаридан сўнг, 30-31 октябрь кунлари Туркия Буюк миллат мажлиси саройида Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжон президентларининг учрашуви бўлди. Туркия Президенти Т. Ўзол туркий республикалар ўртасидаги муносабатлар қайта тикланаётганидан мамнуният изҳор этган ҳолда ҳозирги вазият мазкур алоқаларни янада ривожлантиришни талаб этаётгани ҳақида сўзлади. Эндигина истибдод зулмидан қутулган туркий республикаларни жаҳон танишида Туркия давлати ёрдам беришга ва туркий жумҳуриятларнинг тез орада жаҳон иқтисодий интеграцион жараёнига қўшилиши учун бу турк юрти кўприк вазифасини ўташга тайёр эканини маълум қилди. Шу маънода давлат раҳбарларининг Анқара учрашуви рамзи сифатида кўприк танлангани ҳам бежиз эмас. Бунинг учун яқин вақт ичида ҳаво ва сув йўлларини тиклаш, темир ва автомобиль йўлларини қуриш керак бўлади. Боз устига, телекоммуникация, ўзаро техник ёрдам, маданий алоқаларни ўрнатиш, савдо-сотиқ ишларини замон талабига мос босқичга олиб чиқиш керак. Тарих, тил, эътиқод ва маданиятимиз бирлиги бунинг учун муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида Туркия тажрибасидан фойдаланиш муҳим самаралар беражак.

Учрашув чоғида президентлар, бундан ташқари, Тожикистон, Тоғли Қорабоғ, Босния ва Герцеговинада давом этаётган қонли тўқнашувларни сиёсий йўл ва музокаралар ёрдамида бартараф этиш муаммолари ҳақида ҳам ўз мулоҳазаларини баён этдилар. Ҳудудий муаммолар, хусусан, Кипр масаласи ташқи кучларнинг аралашувисиз ҳал этилиши лозимлиги таъкидланди. Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги ҳамда Тожикистондаги уруш масаласини БМТ сессияси кун тартибига киритиш учун бу ташкилотга мурожаат қабул қилинди.

Туркий давлатлар раҳбарларининг учрашуви бошқа давлатлар манфаатларига зид келмайди. Бунга шу йил Туркияда бўлиб ўтган Қора денгиз минтақаси давлатлари раҳбарлари анжуманини мисол келтириш мумкин. Т. Ўзол, XXI аср туркий халқлар асри бўлажак, деганида ҳам шуни назарда тутгани шубҳасиз.

Давлат раҳбарларининг учрашувдаги аҳдлашувларига оид қўшма баёнот қабул қилинди. Унда туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларни, иқтисодий, сиёсий, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни янада такомиллаштириш, Осиё қитъасида тинчликни қарор топтириш ҳақида сўз боради. Бу соҳада эришилган ютуқлардан, иш бирлигидан мамнуният изҳор этилади.

Бу учрашув икки томонлама муносабатлардан кўп томонлама муносабатларга ўтиш, минтақада вужудга келган муаммоларни биргалашиб ҳал этишни назарда тутади.

Учрашув сўнггида давлат раҳбарлари журналистлар билан суҳбатлашишди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан давлат бошлиқларига мурожаат қилишди. Мамлакатимиз Президенти И. Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, бу учрашувларни келгусида муттасил ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ эканлиги, бироқ давлатлараро муносабатлар тенгҳуқуқлилик ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик руҳида бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, Анқара учрашуви жараёнида ҳашаматли Анқара-Шератон меҳмонхонасида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув иштирокчилари ўзлари раҳбарлик қилаётган жумҳуриятлар минтақасида юзага келган вазиятни муҳокама этиш баробарида ўзаро ҳамкорликнинг келгуси режалари ҳақида ҳам фикрлашиб олишди. Шу маънода бу учрашувни Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари президентлари ўртасида илгари кўп маротаба ўтказилган учрашувларнинг давоми дейиш мумкин. Бу минтақадаги давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланиб бориши ташқи кучлар томонидан ҳозирги иқтисодий буҳронлар даврида тазйиқ ўтказилишининг, Тожикистондаги урушнинг бошқа жумҳуриятларга ҳам ёйилиб кетишининг олдини олади ҳамда Туркия ва Озарбайжон каби жуғрофиқ нуқтаи назарга кўра нисбатан узоқроқда жойлашган туркий давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишда қўл келади. Чунки Туркия орқали дунё бозорига чиқишдан барча давлатлар бирдай манфаатдордир.

31 октябрь куни Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларни яна бир поғона юқорига кўтариш йўлида муҳим қадам ташланди: Анқара шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди. Удумга кўра, бу хайрли иш иккита қўйни қурбонликка сўйиш билан бошланди. Элчихона очилиши маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол нутқ сўзлашди ва иккала мамлакат ўртасида тобора кенгайиб бораётган алоқаларни дипломатия йўли билан тартибга солиб туриш айни муддао бўлишини таъкидлашди. Элчихона очилиши маросимида Туркия Бош вазири С. Демирэл, ташқи ишлар вазири Ҳ. Четин, бошқа расмий кишилар ва Туркияда таълим олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этишди.

Туркий давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашуви 1993 йил октябрида Озарбойжон Республикаси пайтахти Боку шаҳрида бўлади. Бундан ташқари, давлат раҳбарлари зарур бўлиб қолган пайтда у ёки бу давлат раҳбарининг таклифи билан учрашиб туришлари мумкинлигини ҳам келишиб олишди.

Туркий давлатлар раҳбарларининг Анқара учрашуви 31 октябрь куни ниҳоясига етди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация шу куни Тошкент шаҳрига қайтиб келди. Анқара аэропортида улуғ меҳмонни Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл ва бошқа кишилар кузатиб қолишди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: Туркия пойтахтидаги тантаналардан лавҳалар.

Ф. НИЗОМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ёш ватандошлар!

Қўҳна Туркистон заминига— ота-боболарингиз юртига ташрифингиз билан мубораксод этаман.

Сизу биз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Даврларнинг ададсиз тўфонлари, аёвсиз қатағонлар, истибдодга асосланган сиёсат сизу бизни бир юртда яшаш бахтидан бенасиб этди. Қисматларимиз айри тушса-да, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, ҳар доим бир-биримизга интилиб яшадик. Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби улуғларимизнинг руҳлари ҳамиша барчамизни бирлашишга ундаб келди. Бинобарин, ана шу аждодларимизнинг ўлмас руҳлари бугун ҳаммамизни бу ерда — тинчлик ва дўстлик шаҳри— Тошкентда юз кўриштирди.

Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофатидир. Бу ёруғ кунларни ҳаммамиз узоқ, жуда узоқ кутган эдик. Юртимизни озод кўрмоқ орзусида нечоғлик буюк зотларимиз жонларини фидо қилдилар, кўплари ўзга юртларга бош олиб кетдилар. Ўша эрксевар инсонларнинг фарзандлари бўлмиш сизларнинг ота маконга қанчалар талпиниб яшаганингизни теран англаймиз ва уни ғоят қадрлаймиз.

Дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви Мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонаман.

Хоржлик биродарлар, бу қадимий Ватан бизники бўлгани каби сизники ҳамдир. Азиз Ватанимизни гуллаб-яшнатиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ақлу кучимиз ана шу эзгу ишга қаратилмоғи даркор. Бунинг учун янада якдил ва ҳамкор бўлмоғимиз зарур.

Бу олижаноб ниятлар йўлида Сизларга, Сизлар орқали чет эллардаги барча ёш ватандошларга ва республикамиз ёшларига омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом ҚАРИМОВ.

Тошкент 1992 йил 3 ноябрь.

ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

ШАРОФ РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДАН

ЎЗБЕКИСТОНДА олтин куз кезмоқда. Сўлим фаслнинг ёркин бўёқлари, айниқса, пойтахтимиз Тошкентнинг бугунги жамолига янада фусункорлик бахш этаётир. Йилда бир такрорланадиган бу гўзаллик айни кунларда ҳар қанчонгидан ўзгача латофат билан намоён бўлаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Тошкент ўз номини оламаро таратган ўғлонининг юбилейига ҳозирлик кўрмоқда. Ҳаётлик чоғида 50 ва 60 йиллик саналарини нишонлашга рухсат бермаган камтарин инсон номи бугунги кунда мустақиллик оҳангларида баралла янграётир.

Ҳўш, Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги мамлакатимиз пойтахтида қандай тартибда ўтказилади? Қўшни давлатлардан, олис қитъалардан келган меҳмонлар қандай кутиб олинади? Ўтган шанба куни Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллик юбилейини ўтказиш ҳукумат комиссияси шу ва шу каби саволларни кун тартибига қўйди. Мажлисда тараддуднинг энг кичик тафсилотлари ҳам назардан қочирилгани йўқ.

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚАРОРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ЖАМОАТ КОМИССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда иқтисодий ўзгартишларни кучайтириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида бошқарувга оид энг мақбул қарорларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш учун давлат қарамоғида бўлмаган тузилмалар ва савдо-саноат доиралари вакилларининг кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети ва унинг жойлардаги органлари таркибида республикада иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, жамоат комиссиялари энг тажрибали ва холис тадбиркорлар, фермер ва савдо-саноат доираларининг бошқа вакилларидан тузилади. Комиссияларнинг раислари ва аъзолари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитети ҳамда унинг республика ҳудудларидаги бўлинмалари тизими раҳбарлари ва ходимлари учун берилган барча ваколатлар ва ҳуқуқларга эга бўладилар;

республика комиссиясининг раиси айни вақтда Давлат назорати комитети раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосаридир ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан лавозимига тайинланади;

вилоят, шаҳар ва район комиссияларининг раислари ҳам республика давлат назорати ҳудудий органлари раҳбарларининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарларидирлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетининг раиси томонидан тайинланадилар.

2. Қуйидагилар комиссиялар фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

— иқтисодий ислоҳотлар масалаларига доир норматив ҳужжатлар мажмуи бажарилишини идоралараро назорат қилиш органлари ишини мувофиқлаштириш;

— корхоналар ва хўжаликлар мустақиллигини кенгайтиришга, бозор тузилмалари ва таркибий қисмларини вужудга келтиришга, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришга, тадбиркорликни, жумладан, ташқи иқтисодий соҳадаги тадбиркорликни кучайтиришга қаратилган Президент фармонларини ва Ўзбекистон ҳукумати қарорларини вазирликлар ва идоралар, концернлар, ассоциациялар, корхоналар ва хўжаликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қандай бажараётганларини текшириш ни йўлга қўйиш;

— жойларда ана шу соҳаларда ижроия интизоми ҳолатини ўрганиш, бозор иқтисодиётига изчил ўтишни таъвинлашга қаратилган норматив ҳужжатларнинг дастлабки лойиҳаларини тайёрлашда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари, шунингдек турли иқтисодий тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш;

— республиканинг муайян корхоналарида, хўжаликларида ва ҳудудларида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини таҳлил қилиш ва бундан Ўзбекистон ҳукуматини хабардор этиш;

— амалдаги норматив ҳужжатларнинг молиявий ва хўжалик механизмларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, республикада иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришни кучайтириш ва жадаллаштиришга қаратилган бошқарувга оид қабул қилинаётган қарорлар ҳамда қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифларни ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Назорати Комитети бир ҳафта муддат ичида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 2 ноябрь.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 2 НОЯБРГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Бухоро	1.47	89.97
Қашқадарё	2.08	86.81
Фарғона	1.12	85.87
Наманган	1.61	84.36
Андижон	1.19	84.35
Хоразм	1.32	74.54
Сурхондарё	1.56	73.57
Тошкент	2.05	72.80
Навоий	2.18	70.26
Қорақалпоғистон Республикаси	1.38	66.91
Сирдарё	2.07	65.79
Жиззах	2.72	60.68
Самарқанд	2.09	52.69
Республика бўйича	1.73	75.60
1991 йилдагиси	0.48	102,04

ХОРАЗМДА ҚОЛГАН ЁРҚИН ИЗЛАР

Маркс ЖУМАНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти ҳокими.

Шароф Рашидов жумҳуриятимизнинг барча ҳудудлари сингари, Хоразм вилояти меҳнат аҳлига ҳам катта эътибор ва меҳрибонлик билан қарар, воҳа ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини юксалтириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида оталарча ғамхўрлик кўрсатар, бунёдкорлик ишларига шахсан ўзи бош-қош бўлар эди.

60—70-йилларда Хоразмда бунёд этилган Ўрта Осиёда энг йирик Туямўйин сув омбори ва гидроузели Шароф Рашидов шарофати билан ишга туширилган йирик иншоотлардан биридир. Шароф Рашидовнинг бевосита ташаббуси ва таклифи билан олтмишинчи йилларнинг ўрталарида қум барханларини ўзлаштиришга қарор қилинди. «Қорақум», «Беговот», «Бўстон», «Янгиариқ», «Қўшкўпир» номи билан аталган, дарё соҳилида эса Ал-Хоразмий номли, «Боғот», «Амударё» деб номланган ихтисослашган шоликор давлат хўжаликлари ташкил этилди. Жумҳуриятнинг ўша пайтдаги мелиорация ва сув хўжалиги нозири С. Мамарасулов бу совхозлар учун ўзлаштирилаётган ҳар бир гектар ер давлатга ўртача 22—25 минг сўмга (ўша пайтларда бу жуда катта маблағ эди) тушаётганини айтганида Шароф Рашидов: «Ҳар гектари юз минг сўмга тушган тақдирда ҳам ўзлаштиришимиз зарур, чунки, Хоразмга ер керак, воҳада ер ўзлаштиришнинг қум барханларидан бўлак манбаси ҳам, йўли ҳам йўқ, вилоятнинг аҳолиси эса йил сайин кўпайиб бораётир, келажакда уни боқиш ҳам керак», дея жавоб берган.

Ана шу маблағлар эвазига ташкил этилган хўжаликлар сарф-ҳаражатни аллақачон бир неча баравар қоплаб, вилоятда шоли етиштиришнинг асосий манбаларига айланди. Ҳар йили 100 минг тоннадан, шахсий томорқаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 150 минг тоннадан зиёд қирмизи дон етиштирилмоқда.

Шароф Рашидов 1983 йилнинг октябрь ойи охирларида Хоразмга келиб, умрининг сўнгги кунларини вилоятда ўтказган эди. Ўшанда Тошкентдан икки туп паст бўйли ғўза ниҳоли олиб келган, унинг бир тупини менга бериб: «Буни экиб, синаб кўринг, иложи бўлса янги бир нав яратинг!» дея маслаҳат қилган эди. Шароф Рашидов тавсияси билан синовдан ўтказилаётган пакана нав ғўза Хоразм шароитига жуда мос тушди. Синов жараёнида унинг «175-Ф» навига нисбатан 20 кун эртапишарлиги, вилтга чидамлилиги, ҳосилдорлиги, бошқа хусусиятлари аниқланди. Энг муҳими, толаси узун бўлиб, чиқими 38,5 фоизни ташкил этди. Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллиги муносабати билан бу навни «Шароф-75» деб номламоқчи, юбилей кунларида уни селекция институтига, келгуси йили эса давлат нав синаш участкасига топширмоқчимиз.

Шароф Рашидов орамизда бўлмаса-да, унинг руҳи, ёди, муборак номи юракларимизда, ўзбек халқининг пахтасидай оқ қалбида ҳамиша барҳаёт. Ота юбилейига Хоразмда катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Кўпгина корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг жамоалари таваллуд кунига атаб шахсий меҳнат армуғонлари ҳозирлашди. Кутубхоналар, клубларда отанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида суратлар кўргазмалар, шунингдек, асарларининг кўргазмалари



ташкил этилди, кўпгина жамоаларда роман ва қиссаларига бағишланган китобхонлар конференциялари бўлиб ўтаяпти. Хонқа ноҳиясидаги «Ленинград» колхози аъзолари эса Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириб, ўз жамоа хўжалигини унинг азиз номи билан аташди.

Шу ўринда хаёлимни анчадан буён банд этиб юрган фикр-мулоҳазамни муштарийлар билан ўртоқлашишни лозим топдим. Жумҳуриятимизда Шароф Рашидов номида мустақил Ўзбекистонимизнинг давлат мукофоти таъсис этилиб, пахтачиликда, умуман халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилган энг юксак кўрсаткичлар ана шу мукофот билан тақдирланса, бу мукофот худди Нобель мукофотига ўхшаб бошқа давлатлардаги умумжаҳон аҳамиятига молик ютуқларнинг соҳибларига ҳам берилса, менимча, Ўзбекистон шон-шуҳрати учун хайрли иш қилинган, Шароф Рашидовнинг юртимизга, миллатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси, бебаҳо хизматлари янада муносиб баҳоланган бўлур эди.

Бундай мукофот таъсис этиш учун жумҳриятимизда етарли асос бор: Бу — Шароф Рашидов номи билан ташкил этилган жамғармадир. Биз — хоразмликлар бу жамғармага ўз улушимизни қўшамиз. Унга вилоят ҳокимлиги жамғармасидан бир миллион сўм ўтказишга қарор қилдик. Умуман, хоразмликларнинг бу жамғармага қўшадиган улуши 5 миллион сўмдан кам бўлмайди.

АТОҚЛИ АДИБГА АТАБ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб, ўзбек халқининг севикли фарзанди Шароф Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигига атаб Ўзбекистон давлат матбуот қўмитасида «Хотира куни» ўтказилди. Ингилишни давлат қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов очди. Ингилишда нашриёт, босмахона ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди. Ингилишда «Ўзбекистон матбуоти» ойномаси бош муҳаррири Зиёд Есенбоев «Шароф Рашидов — Ўзбекистонда матбаачилик ҳомийси» деган мавзуда маъруза қилди.

ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙ АРАФАСИДА

ШАРОФ РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДАН

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

БУ АНЖУМАН юбилей олдидан ўтказилаётган сўнгги мажлис бўлганлиги туфайли ҳукумат комиссияси белгилаган тадбирларнинг бажарилиши ҳақида комиссия масъул котиби Шароф Убайдуллаев маъруза қилди. У ўз сўзида юбилей комиссиясига яқиндан ёрдам берган ташкилотлар, таниқли жамоат ва маданият арбоблари шаънига миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, маърузачи мажлис қатнашчиларининг эътиборини ҳал этилмаган масалаларга қаратди.

Тошкентнинг бугунги жамолини Ш. Рашидов фаолиятидан ҳоли тасаввур этиб бўлмайди. 1966 йилдаги кучли зилзиланинг эртаси куни бу ерга собиқ СССРнинг биринчи раҳбарлари учиб келишганида Ш. Рашидов Тошкентда метро қуриш масаласини кўндаланг қўйганлигини эндиликда, зўр завқ ва ҳайрат билан эслашмоқда. Шу жиҳатдан Тошкент шаҳар ҳокими Атҳамбек Фозилбеков метрополитенга Шароф Рашидов номини бериш хусусида кўплаб меҳнат жамоаларидан таклифлар тушаётганлигини айтганида мажлис қатнашчилари бу фикрни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Ҳокимнинг маърузасидан шу нарса маълум бўлдики, пойтахт аллақачон юбилей оғушида яшамоқда. Маҳалла-қўйларда, мактабларда, кўплаб олий билимгоҳ ва корхоналарда Ш. Рашидовга бағишланган адабий кечалар, қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда. Уларда атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Рашидов билан биргаликда ишлашган кишилар нурли хотираларини баён этишмоқда, адиб шеърлари асосида қўшиқлар янграмоқда. Хуллас, одамларнинг бу тадбирлардан димоғи чоғ, руҳи тетик. Негаки, ўз фарзандларининг номини улуғлаш орқали халқ ўзлигини танимоқда.

— Шундай тўй-тантаналарда қондош ва жондош элатларнинг яқинлашуви, бирлашуви вақтинча рўй бераётган қийинчиликларни енгишда муҳим омил бўлади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Ортиқбой Укибоев биз билан суҳбатда. — Юбилейга Чимкент вилоятидан, Олмаота шаҳридан кўплаб меҳмонлар келиши кутиляпти. Уларнинг ташрифи ҳамиша елкадош бўлиб келган ўзбек ва қозоқ халқларининг бирдамлиги нишонасидир.

Белгиланган режага биноан 5 ноябрь куни эрталаб соат 11 да Ш. Рашидов дастлаб дафн этилган хиёбонда унинг ҳайкали очилишига бағишлаб тантанали митинг ўтказилади. Ўша куни эрта тонгдан бу ерда ўзбек мумтоз куй ва қўшиқлари ижро этилади. Хиёбонга туташ кўчалар муносиб безатилади. Хуллас, Тошкент Шароф Рашидов юбилейига дастлабки поёндозни тўшаб беради. Турли бурчаклардан ташриф буюрадиган меҳмонлар Жиззахга Тошкент орқали боришади.

Тўйга тўёна билан бориш ўзбекнинг азалий удуми. Ўзбекистонда ҳужжатли фильм яратиш ишининг пешқадами, Меҳнат Қаҳрамони Малик Қаюмов юбилей арафасида Шароф Рашидовга бағишланган ажойиб бир асарни тақдим этди. Комиссия аъзолари бу ҳаяжонли лавҳаларни қизиқиб кўриб чиқдилар, янада мукаммаллаштириш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Фильм премьераси яқин кунлар ичида Ўзбекистон ойнаи жаҳонида, Тошкент ва Жиззах шаҳарлари томошахоналарида намойиш этилишига қарор қилинди.

— Бу фильм келгуси авлодларимизга ҳам мулк бўлиб қолади, — дейди юбилей комиссияси аъзоси Бектош Раҳимов. — Унда нафақат Ш. Рашидов сиймоси, балки Ўзбекистонимиз тарихи, Тошкент манзаралари мангуга муҳрланган.

Дарҳақиқат, кино авлодларни ўзаро боғлаб турадиган санъат турларидан биридир. Мазкур фильм Шароф Рашидов тасвири тушириган тасмалар йўқ қилиб юборилганмиш, деган турли миш-мишларга чек қўяди.

— Умуман халқ қалбидан жой олган одамнинг муборак изларини ҳеч ким ўчиролмайди, — дейди истеъфодаги генерал Отамурод Муҳаммадиев. — Биз Шароф Рашидовнинг Самарқанддаги ташрифларини лентага тушириб олиб қўйгандик. Уни шу кунларда комиссияга тақдим этмоқдамиз.

Юбилей арафасида ташкил топган Шароф Рашидов фонди халқимизнинг қанчалик бағри кенглигини намойиш этаётир. Бу борада ҳам Тошкент сафнинг олдида бормоқда. Пойтахт ҳокимлиги мазкур фондга 50 миллион сўм сармоя ўтказди. Бу фонд

ўзбек халқининг миллий қадриятларини улуғлаш, миллатлараро дўстликни қарор топириш, республикада илм-фан тараққиётига кўмаклашиш каби эзгу вазифаларга хизмат қилади. «Шароф Рашидов» фондининг асосий мақсадларидан яна бири шундаки, у жаҳонда тинчлик ишига ҳисса бўлиб қўшилиши керак.

Тинчлик ва осойишталик. Айни кунларда бу неъмат халқимиз учун бебаҳо бойликдир. Бутун онгли ҳаёти, ижтимоий фаолияти, ёркин ижоди эзгу ва савобли ишларга йўғрилган инсоннинг покиза руҳи ҳам олий мақсадларга хизмат қилгусидир. Бунга Шароф Рашидов номи билан қўшиб айтиладиган азим шаҳримиз —Тошкент доим гувоҳлик беради.

Шуҳрат ЖАББОР,
Туроб МАҚСУД.

СУРАТЛАРДА: мажлис қатнашчилари. **В. МОЛГАЧЕВ** олган суратлар.

Пахтакор ноҳиясидаги Ал-Хоразмий номли 13-ўрта мактабда давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Ш. Рашидов билан учрашган пахтакорлар ўз хотирала рини ўқувчиларга сўзлаб бердилар. Кечада адибнинг асарла ридан намуналар ўқилди.
СУРАТЛАРДА: адабий кечадан лавҳалар. **У. ҚУШВОҚОВ** олган суратлар.

ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси чоп этилиши муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сиёсий Ижроия Қўмитаси уни партия ташкилотларида кенг муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилгани ҳақида илгари хабар берган эдик. Ўтган қисқа давр мобайнида партия ташкилотлари бу сиёсий тадбирни ўзларининг шу кунги энг асосий вазифаларидан бири ҳисоблаб, уни изчиллик билан амалга оширяптилар. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Тошкент, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида партия фаолларининг Конституция лойиҳаси мазмунини очиб беришга ва уни жойларда кенг муҳокама қилишга бағишлаб партия фаоллари билан минтақавий семинар-кенгашлари ўтказилди.

Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинган дастлабки кунларданоқ партия аъзоларимиз ўз фикр-мулоҳаза, таклиф ва истакларини оммавий ахборот воситалари орқали атрофлича билдиришмоқда ва Республика Олий Кенгашидаги Конституциявий комиссияга, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги ишчи гуруҳига юбормоқдалар.

Жойларда бошланғич партия ташкилотлари лойиҳа муҳокамасига бағишланган махсус йиғилишлар ўтказишмоқда. Шу кунга қадар жами 12158 бошланғич партия ташкилотидан 8830 тасида ёки 72,6 фоизида шундай йиғилишлар бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда партия аъзолари билан бир қаторда кўплаб партиясиз фуқаролар ҳам фаол қатнашяптилар. Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги барча бошланғич партия ташкилотлари лойиҳа муҳокамасига бағишланган йиғилишларни ўтказишди.

Айни вақтда шаҳар ва район партия кенгашларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини чуқур муҳокама этишга бағишланган пленумлари, ижроия бюроларининг кенгайтирилган мажлислари бўлиб ўтмоқда. Ҳозиргача шаҳар ва район партия кенгашларидан 145 тасида пленумлар бўлиб ўтди. Уларда партия фаоллари, партия аъзолари бўлмиш Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари фаол иштирок этмоқдалар.

Ноябрь ойида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгашларида Конституция лойиҳаси муҳокамасига бағишланган пленумлар бўлиб ўтади. Ушбу кенгайтирилган пленумларда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари иштирок этадилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошидаги ишчи гуруҳи номига партиянинг шаҳар, район кенгашларидан, бошланғич партия ташкилотларидан ва партия аъзоларидан лойиҳа юзасидан тушаётган кўплаб фикр-мулоҳаза, таклиф ва истаклар чуқур ўрганиляпти ҳамда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҳузуридаги Конституциявий комиссияга юборилмоқда.

Ўйлаймизки, жойларда Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш қизғин давом эттирилаверади. Марказий Кенгаш қошидаги ишчи гуруҳи манзилини яна бир эслатиб ўтамиз:

700029. Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9-уй.

Телефонлар: 39-54-03; 33-81-07.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш матбуот маркази.

• *Бир сурат тарихи*

ШАРОФ РАШИДОВ—ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ БУНЁДКОРИ

● Шарқда олий таълим ва илм-фан ривожланишига асос бўлган тўнғич маърифатхонанинг таъсис этилиши Ўрта Осиёдаги барча халқлар маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлганди. Олий маълумотли миллий кадрлар тайёрлашга шу йўсинда пойдевор қўйилди. Дастлабки кезларда университетда халқ хўжалигининг қариб барча соҳаси учун кадрлар тайёрланарди. Кўп ўтмай унинг факультетлари базасида бир қанча олий ўқув юртлари барпо этилди. Ўзбекистондаги ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги салкам бир юз йигирма олий ўқув юрти ҳамда илмий-тадқиқот масканларининг ташкил топиши Тошкент Давлат университети билан боғлиқ.

Номини жаҳон таниган олимлар, ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларининг ижоддаги, фандаги изланишларини шу муқаддас маърифатхонада бошлаганлари сир эмас. Бугунги кунда Тошкент Давлат университетининг ўн олти факультетида йигирма бир мингдан ортиқ студент таҳсил оляпти.

Ана шундай йирик илмий марказ, фан-маданият ўчоғи, табаррук билим маскани — Тошкент Давлат университетининг янги биноси қурилиши лойиҳаси қай йўсинда, кимнинг ташаббуси билан юзага келганини биласизми? Дастлаб ташкил топганда Тошкентнинг ҳозирги Хиёбон майдонидаги биноларда иш бошлаган ТошДУ бора-бора кенгайиб, янги-янги факультетлар, кафедралар, лабораториялар ташкил топди. Энди бу билим маскани ўзига торлик қила бошлади. 1959 йили

Шароф Рашидов ташаббуси билан университет учун янги бинолар қуриш вазифаси белгиланди.

Бироқ собиқ иттифоқ шароитида республикаларда қуриладиган иншоотлар албатта марказ рухсати билан бўларди. Агар қурилиш объектининг қиймати уч миллион сўмдан ортиқ бўлса, унда албатта марказнинг қарори ҳам керак эди. Университетнинг янги биноларини қуриш учун эса ўн миллионлаб маблағ талаб қилинарди. Бу масалани ҳал қилиш учун қайта-қайта Москвага бориб, турли ташкилотларга мурожаат қилишга тўғри келган. Шароф Рашидович ҳар сафар бу ишларни маромига етказишда, уларни вақт ўтказмай тезроқ ҳал этишда бевосита аралашиб, хатлар битиб, телефон орқали гаплашиб, собиқ иттифоқдаги мутасаддилар шахслардан илтимос қилган ва ниҳоят, ТошДУнинг янги биноларини қуришга рухсат олганди.

Маълумки, қурилишни узил-кесил лойиҳалаштириш ажратилган ер билан боғлиқ. Шу сабабли ТошДУ қурилиши сустлаша бошлади. Ана шунда Шароф Рашидович яна бир бор катта ёрдам кўрсатди. Марказий Комитет бюросининг 1960 йил июнь ойидаги махсус мажлиси мазкур масалага бағишланди. Унга қурилиш билан боғлиқ ташкилотларнинг раҳбарлари, лойиҳа тузувчи гуруҳлар таклиф этилди. Мажлисни оча туриб, Шароф Рашидович ўз нутқида республика фани, маданияти, иқтисодиёти, умуман хўжаликнинг барча соҳалари учун кадрлар тайёрлашда университет моддий-техника базасини яхшилаш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Бир оғиз сўз билан айтганда, Талабалар шаҳарчаси бунёдкори Шароф Рашидовдир.

Дарвоқе, ўша бюро мажлисида Шароф Рашидов Калашникова раҳбарлигидаги лойиҳа тузувчи гуруҳга республика раҳбарияти номидан катта ташаккур эълон қилди. Шунда инженер Калашникова бюро қатнашчиларига, шахсан Шароф Рашидовга катта миннатдорчилик билдириб, бу кун биз, лойиҳачилар учун унутилмас, тарихий кун, шунинг учун ҳурматли Шароф Рашидов шу мажлис иштирокчиларини суратга туширишга рухсат берсангиз, деб мурожаат қилди. Лойиҳачилар гуруҳида бир инженернинг фотоаппарати бор эди, шу ондаёқ расмга олди, Сиз азиз газетхонларга ҳавола қилинаётган мазкур тарихий сурат ана шундай тарзда дунёга келган эди.

А. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси.

«Ўзбекистон овози» йўлланмаси билан

Бу йилги меҳнатимиз Мустақилликнинг илк «оқ олтин»и бўлганлиги учун ҳам қимматли, ҳам ардоқли. Унинг бу ажиб хусусиятини Данғара-Қува мисолида кўриб келдик.

Данғара билан Қува яшил вилоятнинг икки қирғоғи-ю, икки чегарасига жойлашган. Данғарамиз Тожикистон мустақил давлатига ва у орқали Афғонистон дейилмиш хорижга туташ бўлса, Қувамиз суверен Қирғизистон билан чегарадош. Сал нарида буюк чинмочин — Хитой ери ястаниб ётибди. Данғара билан Қува оралиғида Фарғона вилоятининг «оқ олтин» кўли — сутдек оппоқ момиқзори мавжланиб туради.

ДАРЁ СОКИН ОҚЯПТИ

Пахтазордан пахтазорга ўтиб, гоҳ терим машиналарининг ҳайдовчилари, гоҳ ўша машиналар изида, дала қирғоқлари ва йўлларда тўкилган пахтани териб юрган теримчилар ва гоҳ-гоҳ хирмонларда пахта қуритаётганлар билан суҳбатлашиб — иноқлашиб, қанча йўл босганимизни ҳам сезмай қолибмиз.

— Ҳув, кўриниб турган — тўқайзоримиз, — деди ҳамроҳимиз Мухториддин Насриддинов пахтазор этагидаги дарахтзорга ишора қилиб, — чегарага ҳам келиб қолдик.

— Қанақа чегара?

— Ҳавосидан сезилмаяптими? — Мухториддин саволимизга савол билан жавоб қайтарди.

— Ростдан ҳам ҳаво бутунлай ўзгача. Жудаям тоза, — деймиз яйраб,— бу ниманинг шарофати?

— Дарахтларнинг ортидан Сирдарё оқяпти.

Сирдарё оқяпти! Жимирлаб, худди елкасига оғир юк ортган одамдай сокин, жимгина оқяпти. Бундан ўн йиллар илгари севимли шоиримиз Эркин Воҳидов қандайдир илҳақлик билан, ташвиш билан айтганидай:

Осмонўпар Тиёншоннинг қорисан,
Кўҳна Жайхун йўлдошисан, ёрисан,
Она водий ҳаётисан, борисан,
Қувончисан, аламисан, зорисан,
Оқиб тургин, қуриб қолма,
онажон.

Ҳозир унинг қирғоғида туриб шоир нидосини кўнглимиз ичидан ўтказяпмизу, ҳар биримиз ўзимизча: «У оқяпти, у абадий оқади, — деймиз ичимизда.—Она дарё, ҳамиша шундай тур, ҳеч озайма, Сен водийни жаннат макон этган, номи бутун дунёга кетган, гўзаллик яратиб орзусига етган дарёсан. Боболаримиз вақтидагидай тўлиб-тошиб оққин, эй, улуғ Сир! Унинг салобати, салоҳияти, ўйчанлиги бир дақиқада худди бизга ўтгандай.

Аллақандай хаёлларга чўлғаниб, пахтазорга қайтар эканмиз, хиёл шабадага чирт-чирт овоз бериб тўкилаётган неча хил рангдаги баргларга ҳам, бир сидирга териб олинган бўлса ҳам шиғил-шиғил ҳосили очилган пахтазор ҳам, осмонни тўлдириб у ёқдан-бу ёққа учаётган қушлар ҳам, назаримизда бутун борлиқ ҳам элга ҳаёт бағишловчи сув шаънига қўшиқ атаётгандай.

Ана шундай сархуш кайфият бағрида юриб-юриб, Насивали Бекмирзаев бошлиқ бригадага қарашли бир пайкалда ёнма-ён сузиб юрган терим машиналарининг ҳайдовчилари Мухторжон Бекмирзаев, Абдужаббор Ўроқов, Баҳодиржон Қўролов билан учрашдик. Учаласи ҳам тўрт қаторли «28—Х—4» терим машинасини бошқаряпти.

— Бугунгача терганим 175 тоннага етди, — дейди машинасидан енгилгина тушиб, тортинчоқлик билан саломлашган Мухторжон бизнинг саволимизга жавоб қайтариб, — мавсум охиригача ўтган йилги рақамга етказаман.

— Ўтган йили қанча терган эдингиз?

— 227 тоннадан ошган.

— Хизмат ҳақи ҳам мўмай бўлса керак?

— Бутун оиламиз учун «Сен же, мен же»га етади. Фарзандларимнинг онаси Мавлудахон йўлга тўкилган пахтани тергани учун ҳар куни 50 сўмдан олади. Йўлни териб бўлиб, машинаси орқасидан юриб тозалаб терганига алоҳида—ҳар килограммига икки сўмдан қарсиллатиб оляпти.

— Рўзғор ўз номи билан мисоли бир ғор, — деди баланд бўй, қизил юз, қирғиз қовоқ, кенг елкали, оғир карвон киши салом-аликдан кейин, — топганини расамади билан сарфлаётганлар бинойидек яшашяпти. Пул топгандан кейин ҳисобини ҳам топиш керак-да!

Уни танидик. У ўз жамоа хўжалигидагина эмас, туман оша бутун вилоятга номи кетган бригаданинг бошлиғи Насивали Бекмирзаев эди. Кайфиятининг чоғлиги ўзига ярашиб тушган ғурурли қарашларидан сезилиб турарди. Бригадада ҳосил тўлиқ машинада йиғиштириб олинади. Шунинг учун режадаги 200 тонналик хирмон олти кунда қад кўтарди. Қўшимча яна 100 тонналик хирмонни тиклашга киришилди. Жамоа раиси Мухториддин Насриддинов қўйнидан электрон компьютерни олиб, унга бир-икки бормоқ уриб деди:

— Бригаданинг шу 100 тоннадан оладиган қўшимча даромадининг ўзи 4,5 миллионни қоралаб боряпти. Кейин Насивали акага қаради.— Тўғрими?

— Ўзимам ҳисоблаб кўриб, аъзоларга ўзимизнинг содда тилда тушунтириб қўйдим. — Ҳар бир оиланинг режадагидан ташқари оладиган қўшимча пули 50 мингдан ошади. Бунинг устига яқинда ҳар бир оиланинг ҳар бир аъзосига, гўдагидан тортиб, қарисигача, тўғрироғи, жон бошига алоҳида — алоҳида 60 килограммдан буғдой тарқатилди.

Дарёнинг нариги қирғоғидан Тожикистоннинг Ашт тумани ерлари кўзга ташланмоқда. У ердаги нотинчликдан юрагимиз эзиляпти. У ердаги деҳқондар ҳоли нима кечяпти, нима учун қон тўкиляпти? Кимни кимдан ҳимоя қилишяпти? Меҳнаткашнинг манфаатини қайси гуруҳ кўзлаяпти? Бундай саволларнинг бирортасига тузуқ-қуруқ жавоб олишгани йўқ. «Шундай хунрезликдан худо асрасин» дейишди теримчи хотин-қизлар. Улар ён қўшнилари бошига тушган ташвишдан сўз очишиб, Ўзбекистонда тинчлик, аҳиллик мавжудлигидан, ҳалол меҳнатнинг роҳатини кўришаётганидан, кечалари бола-чақалари билан хотиржам ухлашаётганидан мамнун эканликларини изҳор этишди.



ФАРҒОНА ПАХТАСИ

ЧЎНТАК КОМПЬЮТЕРИ

Суҳбатимиз бошқа мавзуларга алмашганда ҳам шу туйғу вужудимизда бот-бот такрорланиб турди. Биз кезиб юрган Данғара вилоят пахтакорларига карвонбошилик қилаётгани ҳақида гап кетганда, туман ҳокими ўрта бўй, жуссаси пишиқ, жонсараклиги, фикрининг теранлиги юз-кўзларидан шундоққина сезилиб турадиган Олимжон Юсупов хиёлгина ўйга ботиб деди:

— Биринчи бўлиш масъулияти жуда оғир. Йиғим-теримни ҳам туманлардан кейин бошладик. Биз, теримни бошлаган куни баъзи туманлар пахта топшириш йиллик режасини 20 фоиздан ошириб қўйган эдилар. Бир ҳафтанинг ичида энг илғорига етиб олиб, ўзиб ҳам кетдик.

— Бунга қандай эришдиларингиз?

— Пахта майдонининг ҳаммасини пудратчиларга бериб қўйганимиз, 4 минг пудратчи оила туманимизга омад келтиряпти. Бунинг устига пахта навини танлашда адашмадик. «Тошкент-6», «Наманган-77», «С-60-37» навларининг ижодкорларига минг-минг раҳмат! Олимларни рағбатлантиришда пулни аямаслик керак. Деҳқонга қўл келадиган янги нав ижодкори учун бир миллион-икки миллион мукофот эълон қилинса, бундай кашфиётда ҳамма қатнашса, нур устига нур бўларди.

Ўтган йилгидай бу йил ҳам мўл ҳосил тўпладик. Баҳорда 28 минг тонна пахта топширишни режалаштирганмиз. Ҳозиргача терим машиналари билан терганимиз 16 минг тоннадан ошди. Қўл теримида 4800 киши қатнашяпти.

— Бу оз эмасми?

— Бизда фақат тозалов бор, холос. Ҳаммаси машиналар бўйинда. Машиналар билан яна минг тонна терилади. Режага етган кунимиз, имтиёзимиз бўйича 15 фоизи, яъни 5 минг тонна ўз ихтиёримизда. Бундан 1600 тонна тола чиқади. Унинг ҳар тоннасини келишилган нарх бўйича 150 мингдан сотсак, қўшимча даромадимиз 240 миллион бўлади.

Олимжон Юсупов «Чўнтак компьютер»ида туман хазинасига тушадиган даромадларни ҳисоблаб:

— Ҳамма ободончилик, оилаларнинг бирдамлик манбаи шу, — деди. — Туман ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. 120 километрлик газ қувури тортилди. 12 та қишлоққа табиий газ тушди. Уч йил ичида тўлиқ газлаштиришни охирига етказамиз. Ҳозирги шарт-шароитни ҳисобга олиб, олти жойда тегирмон, икки жойда мойжувоз қуриб, ишга туширдик. Ҳамма қишлоқларда новвойхона бор.

Ҳоким яна чўнтак компьютерини олиб, бошқа соҳалардан келаётган даромад ва улар қаерга ва қанчаларга сарфланаётганини ҳисоблади.

— Бу митти ҳисобчингиз ҳамма нарсани осонгина кўзгуга солгандай кўрсатиб қўяр экан-ку, — деб чўнтак машинасини мақтадик.

— Бу «Чўнтак компьютер» ҳамма хўжалик раҳбарларида, барча мутахассисларимизда бор, — деди Олимжон Юсупов, — Ҳозир ҳар бир майда-чуйданинг ҳам ҳисоб-китоби аниқ бўлмаса, одам дарров қоқилади.

— Қува сизларни астойдил қувяпти, — мавзуни яна йиғим-теримга бурамиз. — Иккинчи ўринга тушиб қолмайсизларми?

— Бошқаларнинг ҳам омадли бўлишини тилаймиз. Ҳамманинг иши ўнгидан келсин. Аммо данғараликлар энди етким бермайди.

Охунбобоев номли давлат хўжалиги директори Рафиқжон Қурбонов, «Сирдарё» давлат хўжалиги директори Бердали Бегматов, «Мулкобод», «Найманча» давлат хўжаликларининг раҳбарлари Саҳобиддин Қодиров билан Абдуқаҳҳор Ниёзов; бошқа етакчилар юз-кўзларида ҳам шу ишонч ва озгина ҳавотирлик сезилиб турибди. Данғара туманида шу кеча-кундуз 160 та терим машинаси пахтазорда басма-басига гуруллаб, режадаги 28 минг тонналик хирмонни 29 минг тонналик баланд оқ тоққа айлантиришга улуш қўшяпти. Тозаловда қатнашаётган 4800 теримчининг мадади катта.

Йўлда давом этамиз. Вилоятнинг Кўқон гуруҳидаги Ўзбекистон, Бешариқ, Учкўприк, Фурқат, Бувайда, Бағдод, Риштон туманларида машаққат билан бўй чўзаётган, олислардан ярақлаб кўринаётган оппоқ тоғлар кўзни қамаштиради. Бу оқ тоғларнинг бутун ўзбек давлатига меҳру муҳаббатидан, эрку тенгликлар рамзи бўлган мустақил Ўзбекистонга садоқатидан яралаётганини ҳис этиш янада қувончли!

ЁЛҒОН АРАЛАШТИРИШ —ГУНОҲ

Йўлларимиз шаҳар йўлларидан қолишадими, йўқми, мана, ўзларинг баҳо берингилар. Маданият саройимиз кўриниши, шароитидан ўзимизнинг ҳаваскорлар ҳам, туман, вилоят ва пойтахтдан тез-тез ташриф буюрадиган машҳур санъаткорлар ҳам хурсанд. Томошабинлар қувончи эса, ҳеч ерга сиғмайди.

Вилоят аэропортига олиб борувчи катта йўлнинг икки ёнидаги янги боғни эслаб, раисни саволга тутамиз:

— Хўжаликда боғ қанча?

— 5—6 йил бурун 30 гектарга етар-етмас боғ бор эди. Энди боғимизнинг ўзи 130 гектардан ошди. Яна кўпайтирамиз. Икки-уч йил ичида Фарғонани мева энг арзон сотиладиган шаҳарга айлантиришга алоҳида ҳиссамизни қўшамиз. Хўжалигимз улуғ бобомиз Бобур номида. Буни оқлаш керак! Бобур юрагидаги олов авлоддан авлодга ўтиб, энди бизнинг юрагимизда ҳам ловуллаяпти.

— Боболар юрагидаги ўша олов Сизнинг юрагингизга кўчгани чин бўлсин, — деб Алауддин ишонч билан, завқ-шавқ билан ғапираётганидан хурсандлигимизни изҳор этамиз. — Шаҳар атрофидаги бошқа хўжаликларда икки-уч қадам олдинлаб юришларингизнинг боиси нимада?— деб сўраймиз.

— Боисими? Аҳиллик, одамларнинг бир-бирига меҳри, меҳнат интизомини ҳурмат қилиш, яна нима десам экан? — Алауддин ўйланиб қолди.

— Бир-биримиздаги олов бир-биримизга ўтаётгани ҳам ишимизни ўнгидан келтиряпти. Авлодларимиз эҳтимол, бунинг сабабини мендан яхшироқ гапириб берар...

— Раисимизнинг энг ёмон кўргани ёлғон аралаштириш ёки чайналиш, — дейишди оқсоқоллар. — Бундан жуда хурсандмиз. Бундай жиддийлик болаларимиз тарбиясига ҳам катта таъсир ўтказяпти. Ахир, айтилган сўз—отилган ўқ.

82 гектарлик майдоннинг ҳар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлаган Тўхтамурод Мирзаматов бошлиқ 3-бригадада «айтилиган сўз—отилган ўқ»нинг мевасини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳар гектар ҳосибига 29 центнердан хирмон уйиб қўйилибди. Абдурасул Аҳмаджонов бошлиқ 4-, Исмоил Каримов бошлиқ 1-бригадаларнинг аъзолари ҳам ана шундай баланд чўққига чиқиб боряптилар. Бригадаларнинг бу ғалабасига пудратчиларнинг қўшган улуши салмоқли бўляпти. Муқимжон Қўчқоров 24 тонна ўрнига 32 тонна, Қодиржон Сотволдиев 53 тонна ўрнига 56 тонна, Мақсуда Орипова 9 тонна 900 килограмм ўрнига 10 минг 600 килограмм, Сулаймон Усмонов 16,5 тонна ўрнига 18 минг 900 килограмм, Исроил Тоштинов 24 тонна 800 килограмм ўрнига 30 тонна, Ойдин Элибоева 19 тонна ўрнига 27 тонна «оқ олтин» топширди. Муаллима Комилахон Мўминова дарсини бериш билан бирга 3,5 гектар ерни шартнома билан олиб, режадаги 9600 килограмм ўрнига 10 тонналик мўъжазгина «оқ олтин» хирмонини тиклади.

ҚУВА ИЖАРАЧИЛИГИ НИШОНАЛАРИ

Қадимий ва навқирон Қува халқи ҳам бутун Ўзбекистон аҳолиси янглиқ ҳар тонгни туман маҳаллий радиоэшиттиришларини тинглаш билан иш бошлайди. Пахта теримининг бориши, кундалик маълумот, зафар хабарлари оқими билан танишадилар. Раислар ҳам, бригадир ва ижарачилар ҳам, қўйингки, барча қуваликлар суръатни янада ошириш, теримга зўр беришни дилларга тугадилар. Қувада меҳнат куни иштиёқ билан бошланади. Бу — иш кунларидаги одатий ҳол, ҳақиқат!

Деҳқончиликда тажриба орттириб, донг таратган қуваликлар кўп йиллардан буён сўз ва иш бирлигини таъминлаб келмоқдалар. Шу боисдан жумҳуриятимизда Қува деҳқонлари ҳақида ҳамиша илиқ сўзлар айтиб келинган. Мусажон Шербўтаев, Ҳайдарали Қурбонов, Муҳаммаджон Қўчқоров, Ҳошим ота Худойбердиев, Рўзимат ака Эгамов, Олимжон Холхўжаев, Зокиржон Мусаев, Сирожиддин Турғунов каби ўнлаб миришкор деҳқонларнинг номлари бугунги кунда эл-юртга таниш.

Қува ҳақиқий меҳнат ва жасорат масканига айланиб кетган. Ҳамманинг фикри-ёди 32 минг 700 тонна «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишга қаратилган. Олтинга кон далаларда меҳнат қилаётган бригадир, ижарачи ва механик-ҳайдовчилар билан суҳбатлашсангиз, улар қўлга киритилган дориломон замонадан беҳад мамнун эканликларини изҳор этишади. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримов томонидан қишлоқ меҳнатчиларига, жумладан, пахтакорларга кўрсатилаётган беминнат ғамхўрликлар, уларнинг асрий орзулари ушалиши йўлида дастлабки қадамлар эканлигини жўшқинлик билан ифодалайдилар.

Ҳар куни Қувада 700—800 тонна миқдорида пахта териб тайёрланмоқда ва мустақил Ўзбекистон хирмонига топширилмоқда. Бу — 2—2,5 фоиз! Қуваликлар ҳам Фарғона вилоятида пешқадамлар сафида дастлабки юксак довондан ўтишни ягона мақсад қилиб қўйганлар.

— Бу йил деҳқонларимиз учун қийин ва оғир келди, — дейди туман ҳокими Муҳаммаджон Носиров.

— Эрта баҳордаги табиат инжиқликлари, авжи экин экиш мавсумидаги қаттиқ ёғингарчиликлар, ғўза униб чиққандан сўнг юз берган офатлар ишимизнинг орқага кетишига сабаб бўлди. Унумдор ерларимизга қайта-қайта чигит экишга тўғри келди. Ҳатто май ойларида ҳам ерга уруғ қадаганмиз. Умуман олганда, бу йил 1800 гектар майдондаги ғўза табиий офатлар натижасида икки мартадан қайта экилди. Қолаверса, ҳароратнинг паст келиши ҳосилнинг пишиб етилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Пахта йиғим-терими одатдагидан 18—20 кун кеч бошланди. Аммо деҳқонларимиз ақл-идрок, тадбиркорликни ишга солдилар, эртанги кунимизни ўйлаб фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада кенг майдонларда кўзланган режадагидан ортиқ ҳосил бунёд этишга эришдик. Йиғим-терим мавсуми ҳам уюшқоқлик билан, тайёргарлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик билан бошланди. Нуроний ота-оналаримиз ҳар бир хўжаликда терим олдидан оқ фотиҳа бердилар. Уларнинг дуоси ва тилаги ҳамиша ижобат бўлиб келган.

Дастлаб тадбиркор деҳқон, вилоят деҳқонлар уюшмасининг раиси Мусажон ака Шербўтаев раҳбарлик қилаётган «Гулистон» жамоа хўжалиги йиллик режасини бажарди. Ҳайдарали Қурбонов раислик қилаётган Раҳматов номли, Ҳолдорали Ашуров раислик қилаётган «Наврўз» жамоа хўжалиги ҳам режадагидан ортиқ пахта сотмоқда. Дўстлик, Мирзо Улуғбек, Деҳқонобод жамоа хўжаликлари пахтакорлари ҳар жиҳатдан намуна кўрсатмоқдалар. Марра яқин, кўзланган мақсадга етишишимизга бир баҳя қолди, холос. Мана шундай паллада туман ҳокимлиги мурожаат билан чиқди. Бу халқимизни пахтазорда жасорат кўрсатишга даъват этди, ишда самара бермоқда.

Ҳа, бугунги кунда Қувада энг қулай меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилган. Озиқ-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж молларидан толиқиб қолиш йўқ. Савдо, маданият, тиббиёт ва маиший хизмат ходимлари пахтакор ва ҳашарчиларга бевосита даланинг ўзида хизмат кўрсатмоқда.

Машина теримига эътибор кучайтирилган. 100 га яқин терим агрегати пахтазорда гуриллаб ишлаб турибди. Бу йил ялпи ҳосилнинг 12,5 минг тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида териб олинади. Бу ишда Раҳматов номли жамоа хўжалигидан Дониёр Раҳмонов, Муҳиддин Эргашев, «Бўстон» жамоа хўжалигидан Усмонали Абобакиров, «Деҳқонобод» жамоа хўжалигидан Ҳасанбой Мамажонов, «Дўстлик» жамоа хўжалигидан Абдулло Сайдолимов, «Наврўз» жамоа хўжалигидан Авазхон Юнусов, Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалигидан Бахтиёр Сиддиқов каби дарғалар фидоийлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача эл хирмонига 100 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкиб қўйибди.

Зафар маррасини эгаллаётган бригада ва ижарачилар сафи ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. 30 дан ортиқ бригада, 720 дан ортиқ ижарачи оширилган мажбурият ҳисобига пахта топшираётир, Уларнинг мақсади — бу йил 38—45 центнердан хирмон кўтариш. Улар сафида Мўминахон Хатамова, Жўрабой Хатамов, Одилжон Ҳамроқулов, Сирожиддин Турғунов, Муҳаммаджон Қўчқоров, Олимхон Холхўжаев. Ражабхон Турғунова, Каримжон Турғунов, Таваккал Туяқов каби донгдор бригадалар, Ширмонхон Деҳқонова, Озода Жўраева, Муқаддасхон Мирзаева, Шаҳрихон Собирова, Шарофат Набиева, Гулжаҳон Парпиева, Ҳосият Қосимова, Раъногон Мажидова каби ижарачилар бор.

Ижарачиликнинг афзалликларини қуваликлар ўтган йили синовдан ўтказганлар. Қишлоқ хўжалигидаги бу янги усул меҳнаткашга катта даромад келтиради. Шу туфайли ҳам пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик ва бошқа тармоқларда ижара усули тўлиқ йўлга қўйилган.

Вилоят ҳокими Мирзажон Исломов пахтачилик жараёнлари тандирида пишган одам эмасми, ҳар кунги ишни ҳар куни таҳлил қилиб, юз берган ҳар бир воқеани ўз жойида зудлик билан ҳал қилмоқда. Кунига икки фоиздан ошириб пахта бераётган Қува бир яримга тушиб қолган куни Мирзажон Исломов биринчи ўринбосари, тадбиркор Аваз Мухторов ва бошқа алоқадор кишилар билан Қувага келди. Ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, уч кунлик ёғингарчилик сусайтирган суръатни қандай қилиб яна кучайтириш тадбирлари белгиланди. Биринчи галда ун, гуруч, озиқ-овқат нормаларини ололмаган одамларга кечаси билан ун, гуруч, пахта мойи тарқатилди. Пахта пунктлари, тозалаш заводида ҳосил қабул қилиш иши тартибга солинди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти Фармони билан пахтанинг харид нархи 1,5 баравар ортгани туфайли пахтакорнинг руҳи баланд, иш суръати юқори.

Фарғона пахтакорлари тез орада маррага етиш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир водийда ҳамманинг ўрни пахтазорда. Меҳнатга ярақли ҳамма фарғоналик пахта териб, қуритиб, давлатга сотмоқда.

Иброҳим РАҲИМ,
Йўлдош СУЛАЙМОН,
Содиқ ДЕҲҚОН,



Бешариқ туманидаги «Рапқон» жамоа хўжалиги гектар бошига 32 центнердан ҳосил олиб, йиллик режани вилоятда биринчилар қатори бажарди.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликда «план тўйи». 2. Чапдан—кекса пахтакор Мирзатилла Ўролов, хўжалик раиси Собиржон Пўлатов ҳамда «Рапқон» пахта қабул қилиш пункти мудири Турдиали Иброҳимов.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИ САҲИФАЛАНАЕТГАНДА: мақолада меҳнатлари мадҳ қилинган Қува райони мардикорлари пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариб, мажбурият ҳисобига ҳосил топшира бошлаганликлари ҳақида хушхабар олдик. Муваффақиятингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

Акс-садо

ҲАМЖИҲАТ БЎЛАЙЛИК

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ», 14 ОКТЯБРЬ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Аъзамхўжаевнинг «Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 14 октябрь сонида босилган «Ёшларни қайси йўлга бошламоқчисиз, жаноблар!» сарлавҳали мақоласини ўқигач, Тошкент давлат университетида содир бўлган кўнгилсиз воқеалар тўғрисидаги маълумотлардан биз ҳам ташвишландик.

«Бирлик» ҳаракати вакилларининг фаолияти мавжуд қонунлар асосида белгиланган бўлишига қарамай қонунчилик доирасидан четга чиқиб, норасмий ишлар билан шуғулланиши республикамиз мустақиллигини таъминлашдек муҳим вазифанинг амалга оширилишида бағоят хатарли деб ҳисоблаймиз. Чунки республикамиздаги барча тараққийпарвар, миллатпарвар, демократик кучлар биргаликда ҳаракат қилмасалар бундай улкан вазифани амалга ошириш мумкин эмас.

Айниқса Ўзбекистоннинг ҳозирги иқтисодий танглик ҳолатидан чиқишида, ташқи дунё билан алоқаларнинг қарор топиши ва мустаҳкамланишида, жаҳон давлатлари ҳамжамиятида ўз ўрнини топишида унинг келажаги бўлмиш ёш авлодни тўғри шакллантириш ва тарбиясини амалга оширишда бутун ижтимоий кучларнинг иттифоқи, ҳамжиҳатлиги жуда зарур. Ахир уларнинг ҳаммаси ўз дастурларида Ўзбекистоннинг истиқлоли ва истиқболи ҳақида қайғурадилар-ку?! Нега энди бирликчилар бу борада ўз дастурларида белгиланган мақсад ва ғояларига зид ҳаракат қилиб, бўлғуси мутахассис кадрларни чалғитадилар! Шогирдни устозга қарши қўйиш фарзандни ўз отасига қарши қўйиш билан баробар. Бу каби ҳаракат олий ўқув юртлари таълим-тарбияси мазмунига эмас, балки асрлар давомида шакллланган шарқ маданияти, маънавияти ва миллий қадриятига ҳам бутунлай зиддир. Тошкент давлат университети узоқ йиллар республикамиздаги барча олийгоҳларга таълим-тарбия, илмий фан соҳасида намуна мактаби бўлиб келган. Бу даргоҳда фақат республикада эмас, балки дунёга машҳур алломалар, ажойиб устозлар, ўз зиммаларига ёшлар тарбияси-дек масъулиятли, машақатли, аммо шарафли вазифани олган, олий таълим тизимида ўзларининг саъйи-ҳаракатлари билан барчага ўрнак бўлган мураббийлар борки, улар билан бутун Ўзбекистон фахрланади.

Аммо шундай улкан илм маскани ва тарбия ўчоғида варақалар тарқатилиши, улар орқали университет раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларининг янгиликка интилишларига тўғаноқ бўлаётган айрим шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари, тескари тарғиботташвиқотлари бизни тааж-жублантирмоқда. Наҳотки, улкан вазифаларни амалга ошираётган бу даргоҳ жамоаси уларни жиловлаб қўя олмаса! Наҳотки, улар орасидаги бирликчиларга хайрихоҳ бўлган, республика Президенти, ҳукумати ва Олий таълим вазирлиги томонидан профессор-ўқитувчилар, талабаларни иж-тимоий ҳимоялаш борасидаги ғамхўрликларни кўра билмайдиган, уларни инкор этадиган, нодонлар топилса?

Кейинги салкам икки йил ичида профессор-ўқитувчиларнинг маоши 16,7 марта, талабаларнинг стипендиялари 1,2 марта оширилди. Айни вақтда талабаларнинг тушлик овқатларига 50 фоизлик чегирма сақлаб қолинди. Шунинг ўзи республика бюджетидан қарийб 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ талаб қилади. Стипендиялар учун эса ҳар ойда 4,5 миллиард сўм сарфланяпти. Бунинг устига шахсий уйларда ижарада яшовчилар учун маблағ ажратиш, оилали, болали талабаларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, ётоқхоналарни шинам ва кўркам қилиб таъмирлаш, уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш учун ҳам вазирлик ўз маблағини аямаяпти. Бу ғамхўрликлар талабаларга мустақил Ўзбекистонимиз келажаги деб қаралаётгани туфайли амалга оширилмоқда. Шунинг учун биз, барча олийгоҳлар раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва талабалари Президентимиз дастурларида баён этилган улуғвор вазифаларни бажаришда бор имкониятларимизни ишга солиб, ҳамжиҳатлик билан иш кўриб, олий таълимни янги босқичга кўтариш учун самарали меҳнат қилмоғимиз зарур.

Қодиржон ПАРПИЕВ,
Бобур номли Андижон давлат университети ректори вазифасини бажарувчи, профессор.

● ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАЙЕРМИСИЗ!

ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

ПАРКЕНТ. «Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни қуролли кучлар, чегара қўшинлари ва ички қўшинлар сафларидан захирага бўшатиш ҳақида ҳамда фуқароларни ҳақиқий ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириқ тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори муносабати билан ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда район раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Паркент район мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Ғайрат ҲАКИМЖОНОВ, район прокурори, адлия маслаҳатчиси Ботир ИБРАГИМОВ, район «Беш каппа» жомеъ-масжиди имом-ҳатиби Обиджон МАМАЖОНОВ, район ҳокими муовини Ғофиржон РАҲИМШИКОВ, район марказий касалхонаси бош врачи Абдураҳмон САТТОРОВлар иштирок этишди.

Учрашувда Ғ. Ҳакимжонов Ўзбекистон Республикасининг янги ҳарбий қонунлари мажмуйи — «Ҳарбий хизмат ҳақида», «Мудофаа тўғрисида» шунингдек «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар юзасидан ёшларга ва учрашувда ҳозир бўлганларга қисқача тушунтириш берди.

Шундан сўнг у чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари берган талай саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Баъзи ҳарбий бўлинмаларда тартиб-интизом бўшашиб кетганлиги оқибатида, солдатлар ўзбошимчалик билан хизмат жойларидан кетиб қолиш ёки уйларига қочиб келиш ҳоллари учраб турганлиги, «қочоқлар»нинг ота-оналари эса бундай вақтинчалик хат-хабарсиз «йўқолиб» туришлардан қаттиқ безовталанаётганлиги, қочоқларга қандай тегишли маъмурий ёки жиноий жазо мавжудлиги ҳақида бир қанча саволлар тушди.

Район прокурори, Ботир Ибрагимов мазкур саволларга жавоб қайтариб, ҳарбий жиноятлар тушунчаси ҳақида, итоатсизлик, буйруқни бажармаслик, қочоқлик, ҳарбий қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш ва ҳарбий хизматдан бўйин товлаш каби ҳаракатлар қандай жиноий оқибатларга олиб келиши ва айбдорларга қандай жазо турлари қўлланилиши мумкинлиги ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг сўзга чиққан райондаги «Беш каппа» жомеъ-масжидининг имом-ҳатиби Обиджон Мамажонов ёшларга Ватанни қўриқлаш, унинг сарҳадларида сергак туриш ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини, уқтириб шундай деди:

— Ватанимиз чегараларини ҳушёр туриб ҳимоя қилганингиз бу — аввало ота-онангиз, ака-укангиз, опа-сингилингиз, ёру-биродарларингиз тинчлигини, хотиржамлигини, осуда яшаб, меҳнат қилишларини, илим олишларини, камол топишларини кафолатли ҳимоя қилганингиздир. Ватанга садоқат билан хизмат қилганларнинг оҳирати обод бўлгай, у дунё-ю бу дунё юзлари ёруғдир. Ватанига, хизматига ҳиёнат қилганларнинг юзлари қуюб, дўзах азобларига дучор бўлғусидир. Мусофир бўлмай туриб, мусулмон бўлмайсан, дейдилар ота-боболаримиз. Бу пурҳикмат нақлнинг мағзини чақмоқ керак. Ҳиндистонда қўним топган Заҳириддин Муҳаммад ўғли Бобурнинг садоқатли лашкар ва лашкарбошиларнинг кўпчилиги асли паркентлик эканлиги, Улуғ Ватан уруши йилларида нечаминглаб ҳамюртларимиз фашизмни тор-мор этишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари, тинч қурилиш йилларда оталарингиз, акаларингиз намунали хизматлари учун муносиб тақдирланганликлари бизга тарихдан маълум. Шундай юртнинг фарзандлари, — деди имом-ҳатиб, — мустақил Ўзбекистонимиз шаънини, тинчлигини, фаравонлигини садоқат билан ҳимоя этишларига имоним комилдир. Сафарингиз бехатар бўлиб, ой бориб омон қайтингиз!

С. СИРОЖИДДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯХШИ КАЙФИЯТ.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• АЖАБ САВДОЛАР •

БУХОРО БОЙЛИКЛАРИ ҚАЧОНГАЧА ТАЛАНАДИ?

ёхуд нодир санъат намуналарини арзон-гаров олиб хорижга пуллаётган ажнабий ва маҳаллий ғирромлар тўғрисида

Оппоқ «Волга» катта тезлик билан вокзал майдонига елиб келди-да, тормозларини ғижирлатганича перрон ёнида тўхтади. Ундан оврупоча кийинган эркак ва аёл икки болани етаклаб тушишди. Такси белгиси қўйилган шахсий машина эгаси машинанинг юкхонасини очиб, кўпдан-кўп жамодон ва тугунларини темир йўл ёқасига таший бошлади.

«Ким экан бу йўловчилар, нега юклари бунча кўп?» шубҳа қилди милиция капитани Ю. Боймуродов уларнинг хатти-ҳаракатини бир четда туриб кузатар экан. Улар эса милиция назарига тушганларидан бехабар ҳамон жонсарак, бўзчининг мокисидек майдондан перронга қатнашарди.

Капитаннинг ишораси билан давлат назорати кичик инспекторлари Муҳитдин Олимов ва Бахтиёр Асомов унинг ҳузурига ошиқишди. 23-«Москва—Душанбе» тезюрар поезди Когонга келиб тўхташи билан улар сирли йўловчиларнинг кетидан купега киришди.

— Ҳужжатларингизни кўрсатинг, — илтимос қилди. Ю. Боймуродов оила бошлиғига ўзини таништирар экан. Қорамағиз юзига оқ югурган йигит титроқ бармоқлари билан ён чўнтагини титкилаб хориж фуқаролари паспортларини чиқарди. Улардан Кобулда истиқомат қилувчи Муҳаммад Зоҳир Маҳд Ориф ва унинг рафиқаси Насима Абдулмамад Бухорога қилган оилавий сафарларидан кейин ватанларига қайтаётганликлари маълум бўлди.

— Юкларингизни кўздан кечиришга рухсат беринг,— деди капитан, шу он унинг миясида бир савол чарх урмоқда эди: «Қимматбаҳо санъат буюмлари билан чет элга чиқишга уринадиган икки киши тўғрисида тегишли ташкилотдан олинган ахборотнома шулар тўғрисида бўлмасин? Лекин унда болалар тўғрисида гап йўқ эди! Ҳар ҳолда юкларини синчиклаб текширмоқ лозим».

— Марҳамат, —деди оила бошлиғи ҳаяжонини яширишга уриниб.

Юрий билан Муҳитдин жомадонларни очишга киришар эканлар Бахтиёр дарров қўшни купедан икки йўловчини гувоҳликка таклиф қилди.

Биринчи тугун очилиши биланоқ инспекторнинг гумонлари кучайди. Унинг ичига негадир алмисоқдан қолган, айрим жойлари йиртилган гилам ўралган эди. Иккинчи тугундан яна битта шундай эски гилам чиқарилди. Насима хонимнинг жомадонидан эса конфет қутисига солинган заргарлик буюмлари чиқди.

— Сафарингизни вақтинча тўхтатишга тўғри келади, — деди капитан барча жомадон ва тугунларни текшириб кўргач.

— Нега? — деди хоним ажабланиб.

— Чунки юкларингиз ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш тақиқланган нодир санъат буюмлари бор...

Хорижий меҳмонлар саросимага тушиб поезд ўрнидан жилишга ҳуштак берганида болаларини етаклаб вагондан тушишди. Кўп ўтмай Бухоро давлат музей-қўриқхонасидан таклиф этилган мутахассислар улар олиб кетишга уринган буюмлар ҳақиқатан нодир санъат буюмлари эканлигини айтишди.

Кейинчалик Муҳаммад Зоҳир жаноблари Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти бошқармасига ёзган тушунтириш хатида бу қилмишини изоҳлашга уринди. Унинг ёзишича, бу буюмларни совет пулларига кўчадаги лўлилар ва ўткинчи одамлардан сотиб олган эмиш. Бу ёш ажнабий оила қадимий санъат буюмларига шунчалик ўч эканки, уларни сотиб олишга бор маблағини сарфлаган ва ҳатто жарима тўлаш учун ҳам ҳеч вақоси қолмаган эди.

Ажабо, ҳатто Бухоро давлат музей-қўриқхонасида ҳам саноқли бўлган заргарлик санъатининг юксак намунаси ҳисобланган XIX асрга мансуб икки дона нозигарданни (аёлларнинг бўйнига осиладиган тақинчоқлар) кўчадаги ўткинчидан топиб бўладими? Бухоро заргарлик мактабининг бошқа бир ажойиб намунаси бўлган — дурмарварид, лаъл маржонлари билан қопланган беш панжали кумуш зиракларни, аёлларнинг чаккасига тақиладиган тилла найчаларни қайси одам чўнтагига солиб кўчага чиқади? Ҳар бирининг нархи тиллага тенг гиламларни қайси бир лўлининг тугунидан топиш мумкин?

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси харид комиссияси мутахассислари нозигардан ва зиракларнинг ҳар бирини 20 минг сўмдан, эски гиламларни эса 30 минг сўмдан баҳолади. Умуман, афғон оиласи ҳудудимиздан олиб чиқишга уринган барча бадиий санъат буюмларнинг нархи 194 минг 700 сўм баҳоланди.

Ажнабий меҳмонлар қадимий шаҳардан қуруқ қайтишларига тўғри келди. Божхона вилоят бошқармаси қарори билан улар давлат ҳисобига мусодара қилинди. Бухоро шаҳар ҳокимининг фармойиши билан эса бу нодир буюмлар давлат музей-қўриқхонасига бепул топширилди. Ҳар куни Бухорага ташриф буюради ган минглаб ҳалол-покиза сайёҳлар аждодларимиз санъатидан баҳраманд бўлишсин.

Лекин мана шундай нодир буюмлар умумий порокандаликдан фойдаланиб ҳудудимиздан қанча олиб чиқилаётганини ким айта олади? Кейинги йилларда ўнлаб хориждан келган олиб-сотарлар ва уларнинг маҳаллий воситачилари шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ изғиб миллий маданиятимизнинг бебаҳо дуру жавоҳирларини излашмоқда. Уларнинг чинакам баҳосини билмаган маҳаллий ҳалолаётган айрим меҳмонлар ҳам шуғулланаётгани маълум. Уларга мижоз топиб кунини ўтказаётган бухороликлар ҳам йўқ эмас.

Яқинда Мозори Шарифдан келган афғон фуқаролари Галам Сохий ва Муҳаммад Каримнинг юклари божхона ходимлари томонидан текширилганда бир жуфт билакузук, 25 дона қадимий танга чиқди. Катта миқдорда газламани сотиш учун олиб келган уч афғонистонлик эса визаси бўлмагани учун вилоят ҳудудидан чиқариб юборилди.

Бухоро бойликлари кўп йиллардан буён таланмоқда. Уларнинг дастлабки қисмини сотиб олиш учун маблағга эга эмас. Жумладан, ўтган йили музей-қўриқхона аҳолидан атиги 26,5 минг сўмлик, шу йилнинг биринчи ярмида эса 24 минг сўмлик бадиий санъат буюмларини харид қила олди, холос. Демак, оддий афғон олиб сотари давлат муассасасига нисбатан деярли йигирма баравар қиммат буюмларни бир келганида олиб чиқишга уринган. Агар мақсадига эришганида бу буюмларни миллионга пуллаши шубҳасиз эди.

Нега биз ўз қўлимиз билан авлодларимизнинг мулки бўлган бебаҳо хазинани ажнабий ва маҳаллий ғирромларга хайр-эҳсон қиляпмиз? Бундан мустақил Ўзбекистон, унинг фуқаролари манфаат кўриши мумкин-ку!

Бунинг учун барча ривожланган мамлакатлардаги мавжуд тартибларни жорий этмоқ лозим. Халқ маданияти тарихига оид буюмларни сотиш ва харид қилишнинг синаб кўрилган қоидалари бор. Бундай буюмларнинг халқаро каталоглари барча мамлакатларда бор. Дунёда худди шу ишга ихтисослашган «Кристи», «Сотби» сингари машҳур фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Ажаб эмаски, биздан олиб чиқилаётган буюмлар ҳам кейинчалик шу фирмаларнинг пештахталарида кўп хонали харид нархлари остида пайдо бўлса.

Агар давлат музей-қўриқхонаси ёхуд «Ўзбектуризм» фирмаси ҳузурида шундай буюмлар билан валютага савдо қилувчи магазин очилганида фуқароларнинг турли кимсаларга мурожаат этишига ҳожат қолмасди. Энг муҳими, нодир санъат буюмлари четга чиқиб кетмасди. Чунки мутасадди ташкилотлар фақат маълум миқдорда бўлган буюмларни хорижга сотишга рухсат беришарди. Бундай савдодан ҳам давлат, ҳам унинг фуқаролари манфаат кўришарди. Турли ажаб савдоларга эса сўнгги нуқта қўйилган бўлурди.

Нусратилло НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жамғарма Банки

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилги ички ютуқли заёми облигацияларининг 2-тиражида ютуқолган кишиларни ТАБРИКЛАЙМИЗ.

Заёмнинг 3-тиражи 1992 йил 30 декабрда ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

1993 йилдан бошлаб ҳар йили навбатдаги тиражлар йилнинг ҳар чораги охирги ойи 30-КУНИ ЎТКАЗИЛАДИ.

1000, 500 ва 250 сўмлик заём облигациялари республика жамғарма банкининг муассасаларида ЭРКИН СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ.

- 1000 сўмлик облигация битта сериядаги иккита номерли икки дона беш юз сўмлик облигациядан иборат. 250 сўмлик облигация беш юз сумликнинг ярми ҳисобланади.
- Сизнинг хоҳишингизга кўра жамғарма банки облигацияларингизни сақлаш учун қабул қилади ва сизни облигациянгизга тушган ютуқлар ҳақида хабардор қилиб туради.

ОБЛИГАЦИЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИГА ДАВЛАТ КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Беш юз сўмлик облигацияларга унинг қиймати қўшилган ҳолда 250000, 100000, 50000, 25000, 10000, 5000, 2000 сўм ҳажмида ютуқлар белгиланган.

ҲАММАНГИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ.

Сизларни Ўзбекистон Республикаси жамғарма банки муассасаларида кутамиз.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрь, соат 18.00 да

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:
Олмахон ҲАЙИТОВА,
Ғуломжон ЕҚУБОВ,
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Аҳмаджон ШУКУРОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Тошпўлат МАТКАРИМОВ,
Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВЛАР таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

ТОШКЕНТДАГИ ОЛМОНИЯ ЭЛЧИХОНАСИ

— Ишга масъулият билан ёндашадиган, яхши ташкилотчи, немис тилини пухта биладиган, машинкада хатосиз ёза оладиган ва қўшимча ишга рози бўладиган икки аёл ёки эркак кишилар рухсатномалар бўлимига;

— Немис тилини пухта биладиган, бинога хизмат кўрсата оладиган тажрибали бир мухандис мутахассис;

— Немис тилини пухта биладиган, кечаси ва дам олиш кунлари ҳам ишлашга рози, енгил машина ва микроавтобус учун ёши 50 дан ошмаган шофёр-механик;

— 11000 кв. м. ҳажмли майдонни кўкаламзор этиш учун немис тилини биладиган малакали икки боғбон.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

Таржимаи ҳолингиз ва маълумотингиз тўғрисида ҳужжатлар ва тавсия қоғозларингизни қуйидаги манзилга жўнатинг: Тошкент, Олмония элчихонаси, шаҳар бош почтахонаси, п/я 4337.

Олмония элчихонаси ўзининг ҳовлисини обод ва кўкаламзор этиш учун боғдорчилик ширкатлари билан тавсиялар бўйича шартномалар тузади. Таклифларингизни қуйидаги манзилга жўнатинг: Тошкент, Олмония элчихонаси, шаҳар бош почтахонаси, п/я 4337.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори ва 1-болалар юқумли касалликлари кафедраси жамоаси кафедра ассистенти М. Н. Даминовага турмуш ўртоғи **Марат Обидович ДАМИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва касаба ташкилоти халқаро алоқалар бўйича ректор ўринбосари А. О. Отаҳўжаевга онаси **Шарофат ШАРОФҚОРИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти жамоаси «Умумий гигиена ва экология» кафедрасининг профессори Ю. Ш. Шодиметовга ўғли **Баҳодир ШОДИМЕТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги жамоаси «Ўзсаноатмашимпэкс» Республика ташқи савдо бирлашмасининг бош директори З. М. Исломовга онаси **Ҳидоят ШУКУРОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Ургончда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: Ҳ. НОСИРОВ.

БИЗНИҢГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—21.35. Г—453. № 216. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.